

008

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

**“ФАРҒОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА
БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР
ТАЪМИНОТИ**

ШАРТНОМАСИ

№ № 350096

Манзара тумани
Фурқат кўчаси 4-уй
Манзара тумани ХТБ
(истеъмолчи жойлашган манзили)
Барияшон Аблов

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ**

2022 йил "19" сентябрь 50096-сон

Дангара
Т(Ш)ЭТК номи

Ўз низоми асосида фаолият юритувчи "Фарғона ХЭТК" АЖга қарашли Дангара
туман электр таъминоти корхонаси раҳбари С.Т. Раҳимов

(кейинги ўринларда "Корхона" деб аталади) бир томондан ҳамда низом асосида
фаолият юритувчи Дангара тумани ЭТБ

раҳбари А.А. Саидов (кейинги
(истеъмолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), ҳисоб рақами - № 350096
иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 337 кВт.с. реактив кВт.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи
149850 сўми, тариф(лар) буйича 450

тариф нури; табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан 11Қ-3879 нинг рўйхатини курсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (керакцион ёзилсин)

ташқил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқларикорхоналари томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги 11Қ-3379-сон қарорининг рўйхатида курсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ булган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер ҳўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф буйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф буйича ҳисоб-китоблар: ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф буйича,

тиғиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта миқдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаовчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда “Бюро” деб аталади) ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “01” санасигача ҳудудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳожишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, ҳисоб-китоб даври бошланишидан қаида 5 кун олдин билдирги тартибда Бюрога мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнанинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этилади.

Корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда сотиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли нмзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(АСОС: ВМнинг 25.06.2019 йилдан 522-сонли “ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАГИ ҲИСОБ ВАРАҚ-ФАКТУРАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси

чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йули орқали аниқланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади. (6-7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бромли истеъмолчилар тўлдиради)

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.10. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб қўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил-электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бирок бир ойда камидан бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш асбобларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.11. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни, (ноконуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоб ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдоридан, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдоридан пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори муддати ўтган қарздорликнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдоридан тўлов ўндирилади.

3.12. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини тқомиллаштиришга доир

кушимча чора-тадбирлар тугрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалари»нинг 78-бандига биноан агар «Истеъмолчи» солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти қорхонаси қарзни ундириш учун шартномавий ҳажмдан келиб чиққан ҳолда Истеъмолчининг банкдаги ҳисоб рақамига тўлов талабномасини қўйиш йўли орқали, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 64-моддасига биноан бир томонлама расмийлаштирилган солиштирма далолатнома асосида «Бюро» томонидан қарздор истеъмолчининг қарздорлигини мажбурий ундирувга қарашига, шунингдек, судларга ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этишга ҳақли.

3.13. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари қўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

Электр тармоқларига ноқонуний уланиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари қасддан бузилганда, қўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда;

Электр таъминот лойиҳаси ва техник шартлари мавжуд бўлмаганда;

Электр таъминот лойиҳа ва техник шартларга мос келмаганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жанобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.16. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улۇшга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчиға бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.17. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори қуйидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш– ушбу турдаги ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиғи муддати тугаганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш– ҳисобга олиш приборига зарар етказилганда, пломба бузилганда, қайта дастурлаш зарурати юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш– ҳисобга олиш приборининг созилиги, унинг фойдаланишга яроқлиги, шунингдек, метрологик хусусиятларини норматив ҳужжатлар талабларига мослиги бўйича низоли масалалар юзага келганда;

3.18. Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслашдан «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган муддатда истеъмолчи ҳисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиғи тўрт йилни ташкил этади.

3.19. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ташаббуси билан ёки бошқа вақолатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматлари қорхона томонидан тўланади.

3.20. Истеъмолчи _tqf_ ни нормативдан ошишига йўл қўйса, қорхона электр энергияни етказиш учун келиб чиқувчи транспорт йўқотишларини қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳақли, истеъмолчи эса уни тўлашга мажбур.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1 Ўз электр қурилмаларини Қорхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мулжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш;

Шартномани конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Электр таъминоти корхонаси томонидан белгиланган энергия истеъмоли чеклаш жадвалини бажариш;

Эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошқа сабабларга қура қўчиб кетган тақдирда, у бу ҳақда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор қилиш;

ЭНХАТ (АСКУЭ) тизимини барқарор, доимий ишда туришини таъминлаш;

Энергетика тизимининг «Электр-Ҳисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи»нинг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктасига) «SMS» орқали юборилган хабарнома, огоҳлантириш ҳақларига уз вақтида муносабатларини билдириш ва зарурат ҳолда дарҳол туман (шаҳар) электр таъминоти корхонасига аниқлик киритиш мақсадида маълум қилиш;

Энергетика тизимининг «Электр Ҳисоб» компьютер дастурига «Истеъмолчи»нинг бириктирилган телефон рақамига (боғланиш нуктаси), шунингдек бошқа барча реквизитлари узгарган ҳолда «Истеъмолчи» дарҳол электр таъминоти корхонасига хабар бериш;

(Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги конун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилги 22-сонли қарори);

Бюро ва «Ўзэнергоинспекция» конуний кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Корхона вақилининг ҳисобга олиш приборларини қўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан ўзатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари

ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан қуйидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи;

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатилган даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш.

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қўрилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тўтаганда электр тармоқларидан узиш;

электр таъминот лойиҳаси ва техник шартлари мавжуд бўлмаганда, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда, электр таъминот лойиҳа ва техник шартларга мос келмаганда "Истеъмолчи"ни электр тармоқларидан узиш;

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳужалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳужалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган ўзилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан «Истеъмолчи»нинг хабарлашини нуқталари орқали огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда унинг хабарлашини нуқталари орқали олдиндан хабар бериш;

Электр тармоғи ҳужалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни қилиш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан энергия узатишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклашлар киритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишини, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчиришлар ҳисобига содир бўлиб, энергия етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

Электр энергия таъминоти корхонаси ўзи билан боғлиқ бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чекланишлар киритилганда, «Электр қурилмалари тузилиши Коидалари»нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 – бандларига асосан истеъмолчилар томонидан электр таъминоти ишончилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (дейиха талабларини бажармаган)да ва "Миллий электр тармоқлари" АЖ томонидан қувват тақчиллиги юзага келиши натижасида, авария ҳавфи пайдо бўлганда, ҳамда чеклаш жадвалини жорий этиш имконияти бўлмаганда киритилган чекланишлар натижасида истеъмолчилардан киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чиқадиган низолар бўйича Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган табиий офатлар ҳамда фанкулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилиниши шарт бўлмаганда, улар суд тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 20 2 йил 31 май га бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланадиган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўтгиз қун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш туғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 - йил 12 - январда 22 – сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛАРИ ВА БАНК РАҚИБИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили Дангара тумани ИИБ

Ҳисобраками 1-ФАРҒОНА КУРАВИ

Банк коди (МФО) 00014 0000 20014930

Республика ва маҳаллий бюджетнинг манзиллари ва рақиблари

Бюджет фондлари рақиблари 10002960302367096/100075008

Банк коди (МФО) _____

Бюджетнинг маҳаллий фондлари рақиблари _____

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

ҚҚС тўловчининг коди _____

Телефонлар: 73-57 21-882 Факс: _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди б'н ёзилади)

Кадастр № _____

Статистик кодлар:

ОКЭД _____

СОГУ _____

СОАТО 1730236

КФС _____

КОПФ _____

ОКПО _____

КОРХОНА:

Почта манзили: Дангара тумани, Дангара шаҳарчаси Ниябахор кўчаси 64-уй

Ҳисобраками: **22636000900215289455** (Узсаноатқурилиш банкнинг Фарғона филиали)

Банк коди (МФО) 00494 (ИНН) 200144930

ҚҚС тўловчининг коди 330160012924

Телефонлар: **+99873-572-11-05** Факс: **+99873-572-12-05**

Статистик кодлар:

СОГУ 01013

СОАТО 1730401

Истеъмолчи: И. Раҳмонов

Корхона: Е. Раҳмонов

XUQUQSHUNOS XUSUSI.
Ushbu shartnoma to'yinshol O'zbekiston Respublikasining
Ma'muriy jarayonlari to'g'risida qabul qilingan qonun va boshqa
qonun hujjatlariga asoslanib tuzilgan va boshqa
shartnomalar bilan bog'liq bo'lgan hujjatdir.
Shu shartnoma to'g'risida imzolash kerak.

(Handwritten signature and stamp)

Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи II
2. Фаолият тури Сўзатиш
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват 20 кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) II
6. Ҳисоб-китоб тури: Бир ставкали

тариф тури: табақлаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПҚ-3379 нинг руҳсатида қўраётган маҳсулот
ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар курсатувчи истеъмолчилар (кераклиги ёзилсин)

Йил, жами	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		наҳл	сушиқ		
Январ	49950	450	111		
Феврал	49950		111		
Март	49950		111		
Апрел					
Май					
Июн					
Июл					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 24 соат, ойга 30 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юклиниш % I _____, II _____, III _____

Истеъмолчи

M.S. (Илоҳ, Ф.И.Ш., сана)

Корхона

M.S. (Илоҳ, Ф.И.Ш., сана)

Электр таъминотининг шартномасига
2 - илова

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истеъмолчи”нинг (суб-Истеъмолчи)нинг прибори ўрнатилган жойлар, тури ва қучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг рақами		Улчов трансформаторларининг трансформация коэффициенти		Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари ҳисоблагич кўрсаткичи	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
			Корхона-нинг	Бюро-нинг	Ток	Қучля-ниш		

Имзолар:

Истеъмолчи:

М.У.

(Имзо)

Корхона:

(Имзо)

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъулият чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИИзоҳ: Хар-бир эл.хисоблагичга алоҳида 3- ва 4-ц.ловалар тузиладиХисоблагич № _____ т/ток _____ қучланиш _____ коэффициент _____ уланган қувватли _____ кат
Хисоблагичдан уланган манзил; _____
шаҳар, к.ф.д, м.ф.й, қ.ш.а уй № _____

1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____

Труба ишл.ч.к, Шлакоблок, Гипс, Пленка ишл.ч.к, Акфа чехи, Насос, Садо, Кафа, Ошқома, Устахона ва...???

1. "Истеъмолчи"нинг балансда қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП № _____, _____ кВА

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси: **Дангада туман электр таъминоти қорхонаси зиммасига нуктасигача бўлган линияни бугунги таъминотни юклатилади.**

3. Улардан қуйидагиларга:

а) _____

_____ хизмат кўрсатиш Истеъмолчи ходимлари томонидан,

б) _____

Истеъмолчи билан тузилган "техник хизмат кўрсатиш" № _____ сана _____ йил кунги шартномаси асосида электр таъминоти қорхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузмасга Т(Ш)ЭТК томонидан хизмат кўрсатилмайди"

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: _____

Истеъмолчи

М.Ў

Корхона

М.Ў

Вакиллар:

А. созинов
(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____%, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____% ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____% ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____% ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларининг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларигача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқолишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади.



М.У. (Имзо)



Корхона:

(Имзо)

Электр таъминотининг шартномасига 5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20__ йил _____ ойи бўйича

Курсаткичлар қайд этилган сана «__» _____ 20__ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори курсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВт.р.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.					
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучла-ниш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошлангич	охирги			Эрта-лабки тугиз вақт	Кун	Кечки тугиз вақт	Тун		
											соат 6-9	соат 9-17	соат 17-22
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	
Жами													

Изоҳ: гр 7* гр 6+ гр 1, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13 гр 8 = гр 7*гр 4

Истеъмолчи раҳбари

Ф.И.Ш.имзоси

Ф.И.Ш.имзоси

Корхона энергетиги

Ф. И. Ш.имзоси

МИБ вакили

Ф.И.Ш.имзоси

Электр таъминотининг шартномасига 6 - илова

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Тур №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Узаниш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқеруни	
1.	Конденсаторлар, кВтАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўли бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВтАр (СДнинг урнатилган қувватининг 30 фонзи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВтАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори				

ИЗОҲ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган ташкилотлар узаниш вақтларини тўғридиши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича	
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномаси а асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан кўп бўлганда.

Истеъмолчи: 
(Имзо) Корхона

М.У.





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy, tel.: (998 73) 572 17 78,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

“19 ” yanvar 2022 yil.

Dang'ara tumani Xalq ta'limi
bo'limiga

**YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

Xo'jalik shartnomasi №350096-sonli 19.01.2022 yil.

2. Loyihaning nomi:

**“Farg'ona XETK” AJga qarashli Dang'ara tuman elektr ta'minoti korxonasi
tomonidan Dang'ara tumani XTBga elektr energiyasi ulangan tarmoq orqali
etkazib berish to'g'risida.**

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang'ara tumani Xalq ta'limi bo'limi

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti



B.Ergashev